O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Андижон вилояти

Андижон вилояти 170100, Andijon Shahri, A.Navoiy shox ko'chasi 30-uy. Tel/Faks (374) 223-57-82, E-mail: ekspert-2312@mail.ru. www.ekspertiza.mc.uz www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Директор: MASHRAPOV AXRORBEK AKRAMOVICH
Сана: 26-02-2021 йил

**ЙИҒМА ЭКСПЕРТ ХУЛОСА № 3285**

**Объект номи** «Олтинкўл туманидаги №51-мактабни реконструкция қилиш»

**Буюртмачи –** Андижон вилояти хокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси”
**Бош лойиҳачи** - «Бинокор лойиха» ХК
**Лицензия** АЛ-000765 28.05.2020 йил. чексиз-сонли, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги
**Молиялаштириш манбаи** - Давлат бюджети маблағлари хисобидан
**Бош пудратчи** – тандов савдолари асосида.
**Қурилиш тури:** Қайта қуриш (реконструкция)
**Мурожаат раками:** № 2951

**1. Лойиҳалаш учун асос.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 28 декабрдаги ПК-4936-сонли қарори.

Олтинкул туман қурилиш бўлими томонидан 2020 йил 19 августда берилган №181- сонли рухсатнома.

Андижон вилоят Қурилиш бош бошкармаси томонидан 28.11.2020 йилдаги №1703-1703202-6572 сонли АРТ 1-2 хужжати

Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари томонидан тасдиқланган ҳамда Андижон вилоят Ҳалк таълими бошқармаси бошлиғи томонидан келишилган 2021-йилдаги лойиҳа олди топшириғи.

Андижон вилоят қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси томонидан 21.07.2020 йилда берилган №ТХ-95-20 ЯБХ ИК сонли хулоса.

**2. Экспертиза учун тақдим этилган материаллар.**

Лойиханинг таркибий қисмларининг рўйхатига мувофик ишчи лойиҳа босқичида тўлик лойиха смета хужжатлари.

Руҳсатномалар ва келишув хужжатлар жамламаси, умумий тушунтириш китоб тарзида

**3. Лойиҳа ечимларининг қисқача мазмуни.**

**Қурилиш майдони тафсилотлари:**

Ташки хавонинг минус 16 С ли курилиш тумани

Кордан тушадиган юк -50 кг/м2

Шамолнинг таъсир кучи -38 кг/м2

Ёзги хисобий хавонинг иссиклик харорати +33є С.

Мухандислик геологик кидирув ишлари 2020 йилда «OZGASHKLITI» ДУК Андижон филиали томонидан бажарилган хулоса.

**Бош режа:**

Олтинкўл туманидаги №51 сонли умумтаълим мактаб бино ва иншоотлари “Чаққон” МФЙда жойлашган. Майдон чегаралари шимол томондан ахолии уйлари билан, шарк томондан –махаллий йул билан, жануб томонидан- махаллий йўл билан, ғарб томондан- аҳоли уйлари билан чегараланган.

Бош режа мавжуд тармоклар ва худуд паст-текисликларини хисобга олган холда ишланган.

Бош режага асосан куйидаги бино ва иншоотлар жойлашган; *лойиханаётган бино;* 360 ўкувчи ўринли ўқув биноси, козонхона, кўмирхона омбори, 12 ўринли ҳожатхона, 100м3 ёнгинга карши сув хавзаси иншооти, 50м3 лик ташлама окова хандак, метал қўргон девор ва дарвозава кўрғон деворлар жойлашган. Худуддаги ёмгир ва сугориш сувлари очик холдаги бетон лотоклар оркали худуддан ташкарига чикарилади.

**Меъморий ва конструктив ечимлари:**

**Курилиши режалаштирилаётган 360 ўринли ўқув биноси –** 2 қаватли, қоришмали комплекс конструкцияда бажарилган, қуйма темирбетон ўзак ва белбогли тугри тўрт бурчакли ўлчамлари 48,5х15,6м. Баландлиги полдан шифтгача 3,0м.

Бинонинг 1-чи қаватида куйидаги хоналар кўзда тутилган; ўқув хоналари, буфет ва овкатланиш жойи, тиббиёт хонаси, ўкув ишлари бўйича директор уринбосари, STEM лабораторияси, зинапоя ва йўлакдан иборат.

Бинонинг 2-чи қаватида куйидаги хоналар кўзда тутилган; ўкув хоналари, фаоллар зали, директор хонаси, ўқитувчилар хонаси, чет тиллар хоналари, кутубхона, зинапоя ва йўлакдан иборат.

Бинонинг асосий конструктив элементлари куйидагича: Пойдеворлвр- В15 маркали куйма темир бетондан. Деворлари- М75 русумли II-тоифали М50 русумли қоришма, қалинлиги Т=380мм ли. Темирбетон ўзак, синч ва устунлар билан кучайтирилган, оралиқ деворлар бурчак кесишмалари СГ-1 русумли сим тўр билан кучайтирилган. Парда деворлар 120мм ғиштдан. Ораёпмалар- бўшлиқли йиғма темир-бетондан УТР46.2-95 вп 1.серия бўйича. Изоляция- барча турдаги полиэтилен 50мм. Зинапоялар- йиғма-бетондан 1.050.1-2 вкп.1. серия бўйича. Том ёпма- чордоқли, ёгоч конструкцияли полимер қопламали 0,51мм профнастиллдан. Иссик ҳимояси-минерал ватадан. Ички эшиклар пластик кўп камерали ПВХ ва МДФ панеллардан иборат. Барча эшик блоклари остонасиз ўрнатиш кўзда тутилган. Ички ва ташқи деразалар- форточкали пластик кўп камерали ПВХ дан иборат. Дераза токчалари ташқи томонига руҳли пқлат қоплама урнатиш кузда тутилган. Дераза ва эшикларнинг барча томонлари цемент-кум қоришма билан текислаш, сўнгра гипсли сувок килиш ва 2 маротаба бўяш ишлари бажарилсин. Дераза токчалари- янги пластик материаллардан иборат. Шифт-гипсли сувок ва 2 маротаба сув эмульсиясида бўяш ишларини ташкил килиш. Ташки эшиклар- кўп камерали пластик ПВХ русумли пластикдан. Поллар-2.244-1 в.4 серия бўйича, релин, керамик плиткалар ва агломератдан иборат. Топ қисми- ёғоч материаллардан таёрланган қовурғали полимерланган профнастилли калинлиги 0,51мм дан иборат. Олди ва икки ён керамогранит билан коплансин, орқа томон қум қоришма билан текислаш, сўнгра мойли бўёқ билан пардозлаш кўрсатмасига мувофиқ бажариш кўзда тутилган. Отмоска 100мм шағал, кенглиги 1500мм, қалинлиги 50мм бетон қоришма билан бажариш кўзда тутилган.

Бино девори ички ва ташқи темир бетон устунлар билан кучайтирилган ғиштдан лойиҳаланган.

Бинонинг фазовий бирлиги горизонтал йўналишда қаватлараро ёпмалар билан биргаликда, бўйлама йўналишда деворлар, темирбетон устун билан биргаликда ишлаш ҳисобида бажарилган.

Ишчи лойихада Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2017 йил 10 мартдаги №1871/1103 сонли тасдикланган йиғилиш баёнига асосан;

-янги қурилаётган бионолар том қисмида иссиклик ҳимоялаш қатлами учун 50мм қалинликда кўпиклаштирилган полиэтилен ва цемент стяжка кўзда тутиш;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш Вазирлигининг 2021 йил 14 январдаги №01/2-14/6 сонли тасдиқланган йиҳилиш баёнига асосан Андижон вилоятида 2021 йил “Инвестиция” дастурига киритилган ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектларининг лойиха ва смета хужжатлари бўйича ўтказилган такдимоти баёнига асаосан биноларнинг энергосамарадорлигини ошириш максадида, бинода иссиқликни сақлаш учун бинонинг ташқи фасад қисмига 50мм қалинликдаги минерал вата (базальт) қоплаш, метал сим тур қоплаб, дюбель кокиб маҳкамлаш, цемент қоришмали юқори сифатли сувоқ қилиниб, пардошлаш ишларини бажариш кўзда тутилган.

Бинонинг ички пардошлаш ишлари- девор ва шифтлар юқори сифатли бўёги билан бўяш, девор пастики қисми мойли бўёклаш, ошхона, ҳожатхона ва ювиниш-чўмилиш хоналари деворлари сопол плитка билан пардозлаш кўзда тутилган.

Ташқи пардошлаш ишлари- бино ташқи кўринишини цемент қоришмали “травертин” сувоқ қилиш, цоколь “италгранит” плитка билан пардозлаш кўзда тутилган.

**«12 ўринли ташки хожатхона» (хандакли) –**1 каватли тугри турт бурчак ўлчамлари ўкдан ўкгача 6,8х5,0м. Бинонинг баландлиги полдан шифтгача 3,0м.

Бинонинг асосий конструктив элементлари куйидагича: Пойдевори – бетон синфидан тайёрланган монолит лента В2,5. Деворлар—М50 эритма билан М75 керамик ғишт. Парда деворлар- М50 эритмасида М75 ғиштдан. (перемичка) В15 бетон синфидан монолит темир бетонли. Эшик ва дераза- индивидуаль алюминли. Шифт копалмаси – ёгочли конструкциялардан иборат. Том қопламаси – ёгоч конструкциялардан 0,51мм ли профилли полимер қопламалардан иборат. Поли – керамик плитка. Отмоска 100мм шағал, кенглиги 1500мм, қалинлиги 50мм бетон қоришма билан бажариш кўзда тутилган.

**Курилиши режалаштирилаётган “Кўмир ссқлаш омбори”-** тўғри тўрт бурчали ўлчамлари 6,0х12,0м. Баландлиги полдан шифтгача 3,6м ва 4,4м дан иборат.

Бинонинг конструктив ечими каьий конструкцияли схема бўйича ва кўндаланг деворлари билан М75 ғиштдан темир бетон қўшимчалари билан, монолит темир бетондан камар билан монолит В15. Бинонинг асосий конструктив элементлари куйидагича: Пойдевори – монолит ва бетондан мустақил монолит кл В15 серияга биноан М50 эритмасигаги М75 ғиштли девордан иборат.  Том қисми ёгоя рейкадан профилли полимер қопламали қилиб том ёпилган. Отмоска 100мм шағал, кенглиги 1500мм, қалинлиги 50мм бетон қоришма билан бажариш кўзда тутилган.

**Курилиши режалаштирилаётга “Қозонхона” биноси** – тўғри тўртбурчак шаклида, ўлчамлари 6,0х6,0м. Баландлиги полдан шифтгача 3,0м. Бинонинг конструктив ечими темир материаллардан тайёрланган.

Бино қурилиши учун қуйидаги конструктив элементлар қабул қилинади: Том қисми-темир профилли полимер қопламали қилиб том ёпилган. Бетонли отмостка- қалинлиги 50 мм, кенглиги-1500 мм, шағал қалинлиги 70 мм.

**«100 м3 хажмдаги ўт ўчириш сув хавзаси» -**  ер остида  ўлчамлари  ўкдан  ўкгача 6,0х6,0 м чукурлиги 3,9м.

**«50 м3 хажмдаги чикинди сувлар хандаги» -** ер остида ўлчамлари ўкдан ўкгача 6,0х6,0м чукурлиги 2,7м.

Бундан ташкари лойихада 100м3 ёнгинга карши сув хавзаси, 50м3 лик ташлама окова хандак, метал қўргон девор ва дарвоза, шлакоблогли кўрғон деворлар жойлашган.козонхона МТУ-150 “Козлусан”; метал қўргон девор ва дарвоза ишлари кўзда тутилган Шунинг билан бирга бинони ёнғин ҳавфсизлигига қарши сигнализация лойиҳада кўзда тутилган.

**4. Лойиҳаланаётган объектнинг муҳандислик таъминоти:**

Иссиқлик таъминоти лойихада кўзда тутилган МК “KOZLUSAN-150” русумли исситиш қозонидан кўзда тутилган.

Ичимлик сув таъминоти “Сувтаъминоти” МЧЖ томонидан берилган 2020 йил 28 ноябрдаги №137 сонли техник хулосасига асосан амалга оширилади.

Электр таъминоти Андижон ЭТКК томонидан 2020 йил 19 декабрдаги №30-31-21/152 сонли техник шарти оркали амалга оширилади.

Ташки ёнғинга карши тадбирлар лойихада 100м3 сиғимли ёнгинга карши сув захираси иншооти асосида бажарилади.

**5. Лойиҳани келишилганлиги тўғрисида ҳужжатлар.**

Андижон вилоят Қурилиш Бош бошқармаси Архитектура ва шахарсозлик кенгаши ишчи органининг 2021 йил 01 февралдаги №6948- сонли хулосаси.

Ўзбекистон ногиронлар жамияти Андижон вилоят бўлимининг 02.02.2021 йилдаги №16-сонли хати

**6. Экспертиза натижалари.**

Лойиҳани кўриб чиқиш жараёнида аниқланган хато ва камчиликлар лойиҳа ташкилоти томонидан дастлабки лойиха чизмалари ва смета ҳисоб-китоблари тўғриланиб кайта тўлдирилди.

Ишчи лойихага асосан қурилиш-монтаж ишларининг якуний харажатлари буюртмачи ва пудрадчи томонидан қурилиш тугагандан сўнг, хакикий (ижро хужжатлари) назорат натижалари асосиди аниқланади.

Буюртмачи лойиҳавий хужжатларини тасдиклашдан олдин белгиланган тартибда барча манфаатдор ваколатли органлар билан келишиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 январдаги 15-сонли қарорининг 4-иловасига мувофик, II-боб 8-банд ва ШНК 1.03.06-13да «Давлат экспертизасига тақдим этиладиган шахарсозлик хужжатларининг сифати учун жавобгарлик буюртмачига (дастлабки маълумотларни лойхалаштириш жараёнида тақдим этилган дастлабки маълумотларнинг ишончлилиги буйича) ва ишлаб чикувчига (қабул қилинган лойиха қарорлари буйича) юклатилади».

Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлигининг 2019 йил 19 августдаги 396- буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 9 сентябрда рўйҳатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3180) билан тасдиқланган «Лойиха-тадкикод ишларининг қийматини аниқлаш тартиби тўгрисидаги» Низомнинг 4-бандига асосан лойиха ташкилоти томонидан қурилиш устидан муаллифлик назоратини ўтказишда, лойихаларни ишланма бошланишидан амалга тадбик этилишининг охиригача олиб бориладиган техникавий кузатувини амалга оширишда иштирок этади.

Тақдим этилган 15% ККС билан хисобланган умумий микдори 3498197,610 минг сумни ташкил

килган. Экспертиза куригидан сунг курилиш материаллари, машина ва механизмлар харажати, ускуна ва жихозлар харажатлари, ишчиларнинг хизмат хаки, локал хулосага асосан иш хажмларини узгарганлиги сабаб, объектнинг хисобланган киймати 16225,441 минг сумга ортди.

**7. Хулосалар.**

Ишчи лойиха; Олтинкуд туманидаги №51-мактабни реконструкция қилиш" объектини қуйидаги техника-иқтисодий кўрсаткичларига кўра кейинги келишув ва тендер савдоларини ўтказиш учун тавсия этилади:

| | |
|---|---|
| Қурилиш майдони | - 938.48 м2 |
| Умумий майдон | - 1480.0 м2 |
| Қурилиш ҳажми | - 7496.07 м3 |
| Меъёрий меҳнат сарфи | - 3862,95 киши/кун. |
| Жорий нархдаги тавсиявий (бошланғич) миқдори 15% ККС билан | - 3514423,021 минг.сум. |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.2003 йилдаги 261 сонли қарори ва ШНК 4.01.16-09 меъёрларига мувофиқ танлов савдоларини ўтказиш учун объектнинг қиймати буюртмачи томондан белгиланади. Тасдиқлаш учун тавсия этилган таъмирлаш ва қурилиш ишлари нархи бошланғич ҳисобланиб, асосий қарорни буюртмачи ва бош пудрад корхонаси томонидан шартномавий муносабатлар орқали амалга оширилади.

**Бош мутахассис:** Xaldarov Jur'at Alimdjanovich

**Ishtirokchi ekspertlar:**

Kaunova Marina Mixaylovna

Sultanov G'afur Xashimovich

Abdurashidov Miryusup Kobulovich